ISSN:
3030-3311

Google Scholar

Academic Resource Index
ResearchBi

JCWS

Volume|2
Issue|8
September
2024

OpenAIRE | EXPLORE

INDEX COPERNICUS INTERNATIONAL

ADVANCED SCIENCE INDEX

FAST SUPPORT AND RESULT JOURNALS

JOURNAL OF CONTEMPORARY WORLD STUDIES

www.bestjournalup.com

VOLUME | 2 ISSUE | 8 OCTOBER | 2024

ТОМ | 2 ВЫПУСК | 8 ОКТЯБРЬ | 2024

JILD | 2 SON | 8 OKTYABR | 2024

ISSN: 3030-3311

Wednesday October 31 2024

ОТМЛАРДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

ISSN: 3030-3311

Тўйчиева Нодира
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни бошқаришда ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари таҳлил қилинган. Инновациялар олий таълим тизимини модернизациялаш, тадқиқотларни ривожлантириш ва иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Мақолада олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни амалга оширишда давлат сиёсати, академик тадқиқотларнинг амалий қўлланиладишини таъминлаш, ҳамкорлик ва ҳамжамият қуриш, ҳамда талабаларни, профессор-ўқитувчиларни инновацияларга жалб қилишнинг аҳамияти кўриб чиқилади. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар, хусусан АҚШ, Германия, Япония ва Сингапурнинг олий таълим муассасаларидаги инновацион фаолиятни бошқариш моделларидан олинган тажрибалар ва уларни миллий контекстда жорий қилишнинг афзалликлари таҳлил этилади. Мақола олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини самарали бошқариш йўналишларини, уларни институционал қўллаб-қувватлаш механизмларини, шунингдек, университетлар ва саноатнинг ҳамкорлик қилиш муаммоларини ўрганади.

Калит сўзлар: олий таълим, инновацион фаолият, бошқариш, ривожланган мамлакатлар, университетлар, тадқиқот, ҳамкорлик, академик инновациялар, таълим тизими, институционал қўллаб-қувватлаш.

Email:
nodira070495@gmail.com
©2024. Tuychieva Nodira

Published by Fast support and result LLC. This is an open access article under the CC BY-NC-ND license

Creative Commons Attribution-NonCommercial-NoDerivatives 4.0 International License

Кириш

Инновацион фаолият мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишининг асосий омилларидан биридир. Замонавий дунёда инновацион технологиялар, маҳсулот ва хизматлар жаҳон бозорида рақобатбардошликнинг асоси ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар муваффақиятли инновацион сиёсати туфайли бу соҳада етакчилик қилмоқда, бу эса уларни рақобатчилардан олдинда ушлаб туради.

АҚШда инновациялар сектори иқтисодиётда асосий рол ўйнайди. Мамлакатда инновацион фаолият туфайли юқори натижаларга эришган дунёда таниқли компаниялар кўп. Масалан, Amazon, Apple, Google, Fasebook

ва бошқалар. АҚШ ҳукумати янги технологияларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш учун катта маблағлар ажратиш орқали инновацияларни фаол қўллаб-қувватлайди.

Япония ҳам дунёдаги энг инновацион мамлакатлардан биридир. Унанотехнология, робототехника ва бошқа кўплаб соҳаларни ривожлантирди. Япония тадқиқот ва ишланмаларга сармоя киритишда, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашда айниқса фаол.

Европа давлатлари ҳам инновацияларни ривожлантиришда сезиларли муваффақиятларга эришмоқда. Масалан, Швеция инновациялар индекси бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Мамлакатда инновациялар ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришдан кенг фойдаланиш имконини яратишга қаратилган сиёсат фаол амалга оширилмоқда.

Асосий қисм

Европада олий таълим ва фанни ислоҳ қилинишининг мақсад ва вазифалари тўғридан-тўғри иккита асосий ҳужжат – Болоня декларацияси ва Лиссабон конвенцияси орқали амалга оширилади.

Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида шунга мос ҳолда Болоня жараёни ва Лиссабон стратегияси ишлаб чиқилган. Ислоҳотнинг ушбу икки концепцияси мақсади олий таълим сифатини доимий яхшилашга, меҳнат бозорида битирувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишга, таълим сифати ва амалий таълим хизматини самарали бириктиришга қаратилган, умумий фундаментал тамойилларга асосланган, бирлашган Европа олий таълим ҳамжамиятини яратишдан иборат.

Лиссабон конвенциясида асосан Европада таълимнинг даври, компетенцияси, малакаларига қўйилган талаблар, таълим сифати, уни умумий талабларга жавоб бериши, назорати, жараённи амалга ошириш ва натижаларини тан олиш каби масалаларда ҳудудий бирлашиш келишилган.

Болоня декларациясида Европа ОТМларида кадрлар тайёрлаш, уни таълим тизимида бирлаштиришга ёрдам бериш ҳамда таълим ва фанга оид рақобатбардошликни ошириш мақсадида қуйидаги вазифалар қайд этилган:

- ❖ икки босқичли таълимни жорий этиш;
- ❖ кредит тизимини жорий этиш ва уни тан олиш;
- ❖ сафарбарлик ва мобилликни кенгайтириш;
- ❖ битирувчиларнинг иш билан таъминланишини яхшилаш;
- ❖ Европа таълим тизими сифатини таъминлаш;
- ❖ аспирантурани олий таълимнинг умумий тизимига киритиш;
- ❖ олий таълимда “Европа ўлчовлари”ни шакллантириш;
- ❖ Европа олий таълимини рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш;
- ❖ олий таълимнинг ижтимоий ролини ошириш, унинг оммабоплиги, қўшимча таълим тизимини ривожлантириш;

Европада билимларга асосланган жамиятни шакллантиришда Европа олий таълим ва Европа илмий-тадқиқот ҳамжамиятларини бирлаштириш. Юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги босқич ва воситалар ишлаб чиқилган:

✓ тушуниш ва солиштиришга қулай ҳамда мос келадиган илмий даражалар тизимини жорий этиш;
✓ олий таълимга уч босқичли илмий даража тизимини киритиш;
✓ диплом иловасини тадбиқ этиш;
✓ умумий сифат мезонларини ишлаб чиқиш.

Европада ОТМда сифатни таъминлаш механизми – бу натижага қаратилган таълим тизимини бошқаришнинг асосий ташкил этувчи омили бўлиб ҳисобланади. Мазкур механизм дипломлар ва даражаларни солиштириш, ҳамда рақобатбардошликни оширишни таъминлайди. Европа таълими тизимида сифатни таъминлаш ҳисобига, жаҳон бозорида рақобатбардошликни оширишга эришилади.

Ҳозирги вақтда кўплаб Европа мамлакатларида сифатни таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилган бўлиб, тизимда аккредитация ва ташқи ҳисоботларни формал механизмини амалга ошириш йўлга қўйилган бўлиб, бир қатор омиллар таъсирида амалга ошади:

➢ таълим хизматларини кўрсатиш ва иқтисодий соҳаларда глобализация ва рақобатнинг ўсиши;
➢ ОТМни “оммавийлашуви” – кенгайишини ҳисобга олган ҳолда, аниқ стандарт талабларининг кўйилиш эҳтиёжи;
➢ ОТМлар фаолиятининг мақсади, вазифалари ва кутилаётган натижаларини аниқлашда иш берувчилар – корхоналарнинг фаол иштироки ва қизиқиши;
➢ Олий таълимга давлат сарф-ҳаражатларининг қисқартирилиши билан бир вақтда, бу мақсадларда жамоатчилик сарф-ҳаражатлари самарадорлигига талабнинг ортиши;
➢ ОТМлар фаолияти “шаффофлиги” ва уларнинг ўз фаолиятлари натижалари бўйича жамиятга ҳисобот бериши;
➢ талабалар ва профессор-ўқитувчилар таркиби мобиллигини кучайтириш;
➢ нодавлат секторнинг ОТМдаги фаоллиги.

Биринчилардан бўлиб, сифатни расмий баҳолашни Европа давлатларидан Буюк Британия, Франция ва Нидерландия давлатлари бошлаб бердилар. 1998 йилда таълим бўйича Европа Иттифоқи Кенгаши ОТМда сифатни таъминлаш ҳамда шу йўналишда сифат ва ҳамкорлик қилишни таъминлаш тизимини тузиш бўйича Европа ҳамкорлиги тавсияларини қабул қилди. Шунингдек, Европа Комиссияси ОТМда сифатни таъминлаш Европа тармоғини қабул қилишни қўллаб қувватлади.

Ҳозирги кунда деярли барча Европа давлатлари ОТМларида сифатни таъминлаш ва назорат қилишнинг расмий таъсис этилган махсус тизимлари – агентликлари мавжуд. Лекин, ушбу ОТМларда сифатни таъминлаш ва аккредитациялаш агентликларининг фаолиятида ўзига хос ўхшашликлар ва фарқлар борлигини кўрсатиб ўтишимиз керак. Бу фарқлар сифатни бошқариш, баҳолаш услублари ва воситалари, эталон ва критерийлар, стандартлардан фойдаланиш ва бошқаларда бўлишига қарамай, асосий тенденция дастурларни баҳолаш, уларни аккредитацияси ва институционал текширувларда сифатни таъминлашнинг ички ва ташқи стандартларининг мавжудлиги бўлиб қолмоқда.

Олий таълимда сифатни таъминлаш ва уни баҳолаш кадрлар тайёрлаш жараёнини энг муҳим қисми бўлиб, ушбу соҳада ҳамкорлик кутилган

мақсадга мувофиқ бўлган натижаларни беради. Ушбу қисмда ОТМда умумий жараён – сифатни таъминлаш, унинг назорати, баҳолашнинг ички ва ташқи турлари кўриб чиқилади.

ОТМда сифатни таъминлаш стандартларининг ўз тамойиллари ва амалга ошириш тартиби мавжудки, уни амалга оширишга масъул бўлган ташкилотлар салоҳияти буни таъминлашни кафолатлайди. Бундан ташқари ташқи мустақил ташкилотлар хулосаси ҳам жараёнга объектив ва тўғри баҳо берилишини таъминлайди. Манфаатдор томон сифатида буюртмачилар вакиллари, бўлажак кадр сифатида талабаларнинг таълим жараёни сифатни назорати ва баҳолашидаги иштироки таълим тизими назорати ва баҳоланишини тўғри ва самарали амалга ошириш имкониятини беради. Демак, сифат мониторинги, маълумотлар тўпланиши ва таҳлили ҳамда жараённи тўғри ташкил қилиш, уни бошқариш ва яхшилаш бўйича амалий тавсиялар бериш имконини яратади. Жараён мониторинги ва таҳлил натижаларининг шаффофлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу турли асоссиз миш-мишларни ва субъектив хулосаларнинг олдини олади. Бу каби баҳолашлар асосан ички баҳолашни ташкил этади .

ОТМларни халқаро даражада сертификациялаш, унинг моҳияти ва жараён хусусиятлари талаблари ва натижалари ИСО расмий ҳужжатлари ва бу ҳақидаги мақолаларда тўла таҳлил қилинган

Сифатни таъминлашнинг ташқи назорати ва мониторинги мустақил, тан олинган ва ихтисослашган агентликлар томонидан амалга оширилади. Бундай агентликлар эътиборини сифатни таъминлашнинг ички назорати, мониторинги натижаларига қаратиш ва жараён самарадорлигини таъминлашнинг бошқа омилларини текшириш, уларни бажарилиш даражасини баҳолашга қаратадилар. Масалан, Европа Иттифоқи ҳудудида давлатлар томонидан тан олинган компетентли агентликлар мавжуд бўлиб, уларга таълим тизимини, шу қатори ОТМда жараён сифатини назорат қилиш, баҳолаш ва тегишли тавсиялар бериш ҳуқуқи берилади.

Олий касбий таълим фаолиятини бошқариш – бу кенг қамровли ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий сиёсатнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий сиёсатнинг энг кўзга ташланиб турадиган муҳим вазифаларидан бири эса – бу кишиларнинг фаровон турмуш тарзини таъминлашдан иборат бўлиб, у ҳар бир шахснинг сифатли билимларни, юқори касбий маҳорат ва кўникмаларни эгаллаган шахс сифатида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишини кўзда тутади .

1917 йилда таълим олишга бўлган ҳуқуқни конституция даражасида мустаҳкамлаган биринчи давлат Мексика бўлди. Унда хусусан, барча учун бошланғич таълимнинг бепул бўлиши тизими жорий этилиши белгиланган.

Франция Конституцияси преамбуласида барча даражадаги жамоатчилик бепул ва дунёвий таълимни ташкил этиш давлатнинг бурчи ҳисобланиши белгиланди.

Япония Конституцияси 26-моддасида барча ўз қобилиятига мувофиқ ҳолда, қонунда белгиланган тартибда таълим олишда тенг ҳуқуқларга эга деб белгиланган.

Испания Конституцияси 27-моддасига кўра, барча фуқаролар таълим олиш ҳуқуқига эга. Университетлар

автономия ҳуқуқидан фойдаланадилар. Давлат ҳокимияти ота-оналарнинг ўз болаларига уларнинг диний ва аҳлоқий ишончига мос келадиган таълимни бериш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Италия Конституцияси 33-34-моддасига биноан, мактаб барча учун очиқдир. Лойиқ ва қобилиятли ўқувчилар гарчанд, улар тегишли маблағдан маҳрум бўлсаларда, мактабнинг юқори даражаларига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар. Республика таълим масалалари бўйича умумий нормалар ўрнатади ва барча даражадаги ҳамда турдаги давлат мактабларини таъсис этади. Хусусий ташкилот ва шахслар давлат ҳисобидан молиялаштирилмайдиган мактаблар ва таълим институтларини таъсис этиш ҳуқуқига эга.

Германия Конституцияси 7, 12-моддаларига кўра, барча немислар ўзлари учун таълим олиш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Барча мактаб ишлари давлат назорати остида бўлади, хусусий мактаблар очиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат мактабларини алмаштирувчи хусусий мактаблар давлат рухсатини талаб қилади ва ерлар қонунларига буйсунади. Болаларни тарбиялашга ваколатли шахслар ўз фарзандларини диний таълимда иштирок этишини ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, диний таълим давлат мактабларида мажбурий предмет ҳисобланади.

Греция Конституцияси 16-моддасига мувофиқ,барча греклар давлат ўқув муассасаларининг барча босқичларида бепул таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Олий таълим муассасаларининг хусусий шахслар томонидан таъсис этилиши таъқиқланади. Бепул олий таълим давлат олий таълим муассасаларида олинади, уларнинг ўқитувчилари давлат хизматчилари ҳисобланади ҳамда лавозимидан хизмат муддати тугаганига қадар фақатгина хизмат тартибида озод этилиши мумкин. Олий таълим муассасалари ўзини ўзи бошқаришдан фойдаланадилар, бироқ давлат назорати остида бўладилар.

Россия Федерацияси Конституцияси 42-43-моддаларига мувофиқ, ҳар бир шахс таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат ва муниципал таълим муассасаларида ва ташкилотларида мактабгача, асосий умумий ва ўрта касбий таълим бепуллиги ва умумочиқлиги кафолатланади. Асосий умумий таълим мажбурий. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар болалар томонидан асосий умумий таълим олинишини таъминлайдилар. Ҳар бир шахс давлат ёки муниципал таълим муассасаси ва ташкилотида танлов асосида олий таълим олиш ҳуқуқига эга.

АҚШ Қонунлар мажумасининг 20-титули (“Таълим”) Федерал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Кодекси 34-титули билан таъминланади, хусусан, у аккредитация бўйича агентлик ҳуқуқий мақомини, федерация ва штатлар ўртасида келишув қоидаларини, штатларнинг олий таълимни молиялаштиришдаги иштирокини ва бошқа масалаларни тартибга солади.

Буюк Британиянинг таълим тўғрисидаги қонунларини шартли равишда махсус ва бошқа қонун ҳужжатларига бўлиш мумкин. Махсус қонунларга, яъни асосан таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунларга – “Таълим тўғрисида”ги Қонун киради. Ҳозирги вақтда Англияда бу таълим соҳасидаги бош норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади .

Германияда “Ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Федерал қонунга кўра, агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озиқ-овқат харажатларини кўтара олмаса, улар молия ёрдамини оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярми қарз тариқасида берилади.

Жанубий Кореяда “Таълим тўғрисида”ги Қонунига кўра, барча – давлат тасарруфидаги ва хусусий олий ўқув юртлари таълим вазирлиги ва меҳнат ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан бошқарилади. Бошқа масалалар бўйича университетлар Корея Университет таълими кенгаши тамойилларига таянади.

Хитойда таълим жараёни ва уни бошқариш “Хитой Халқ Республикасининг таълим тўғрисида”ги, “Хитой Халқ Республикасининг мажбурий таълим олиш тўғрисида”ги, “Хитой Халқ Республикасининг олий таълим тўғрисида”ги, “Хитой Халқ Республикасининг касбга йўналтирилган таълим тўғрисида”ги, “Хитой Халқ Республикасининг ўқитувчилар тўғрисида”ги қонунлари, “Хитой Халқ Республикасида илмий даражалар тўғрисидаги йўриқнома”си билан бошқарилиб, улар билан бир қаторда ХХР Давлат Кенгаши “Ногиронлар таълими хусусида”ги низом, “Таълимдаги муваффақиятлари учун тақдирлаш тўғрисида”ги низом, “Ўқитувчилар мандати хусусида”ги низом, “Болалар боғчаларини бошқариш ҳақида”ги низом ва бошқа (жами 10 та) турли хил қарорлар асосида амалга оширилади.

Жанубий Кореяда олий таълим ОТМларининг қуйидаги турлари бўйича намоён этилади: университетлар, коллежлар, педагогик институтлар, кундузги ва сиртқи университетлар. Корея ОТМлари, шунингдек, давлат ва хусусийга бўлинади:

Жанубий Корея олий таълим тизимида бакалавр даражаси - 4 йил ўқигандан кейин, тиббиёт факультетлари учун - 6 йил; магистр даражаси-магистратурада ўқиш 2 йил; докторлик даражаси - 4 йил ўқиш ва тадқиқот ишларини олиб бориш, ҳамда битирув имтиҳонлари ва диссертация ҳимоясидан кейин фан доктори даражаси берилади. Хорижий талабалардан ОТМларга кириши учун ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва инглиз тилини билиш тўғрисидаги халқаро сертификат IELTC (5,5 балл) ёки TOEFL(500 балл) талаб этилади .

Германия олий таълим тизимининг асосий тамойили - бу “академик эркинлик”-тизими, яъни ҳар бир талабанинг ўзи дипломига кирадиган, ҳоҳлаган предметларни мустақил танлаш эркинлигининг мавжудлигидир. Университетларда ҳар бир семестрда маърузалар 14-20 ҳафтадан ва маърузасиз ҳафталарда талаба мустақил илмий тадқиқот билан шуғулланади.

Германия ОТМларига қабул йилига 2 маротаба, баҳорда ёзги семестрдан олдин ва кузда қишки семестрдан олдин бўлиб ўтади. Абитуриентлар олий ўқув юртларига киришдан олдин танлов асосида пулли тайёрлов курсларига қатнашишлари мумкин. Германия абитуриентларидан фарқли ўлароқ, хорижликлар ОТМларига киришида немис тилидан мажбурий имтиҳон топширишлари зарур. Хорижий талабалар жами талабаларнинг 12 фоизни ташкил этади.

Германия ўз миллий олий таълим тизимини анча эҳтиёткорлик билан ислоҳ қилмоқда. 1998 йилги «Олий таълим тўғрисида»ги Қонунда Болония декларациясини амалга ошириш учун

зарурий талаблар минимуми мустаҳкамланди, уларга миллий таълим тизимини тўлдирувчи талаблар мақоми берилди. Шу тариқа Германия олий ўқув юртларига талабалар тайёрлаш шаклини танлаш ҳуқуқи берилди, яъни улар бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашнинг классик ёки янги Европача вариантини танлаш имкониятига эга бўлдилар. Иккинчи вариант учун қонун ҳужжатларида дастурлар ва курсларни аккредитация қилишнинг янги механизмлари, шунингдек таълим сифатини баҳолаш янги тизими назарда тутилган. Қонун йўли билан мустаҳкамланган ташаббуслар ҳам федерал ҳукумат, ҳам ерларнинг ҳукуматлари томонидан қўллаб-қувватланди, бунинг натижаси ўлароқ ислоҳотларни таркибий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш таълим тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган моделлар мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг моделларидир. Улар, гарчи, умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин мавжуд мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, фарқ қилади. Масалан, Япония таълим тизимида «Оила» омилига катта эътибор берилган. Америка ёки Францияда эса маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, пуллик мактаблар жорий этилган. Лекин, айрим мамлакатларда ўзини оқлаган ва самара берган моделларни ўзга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаб ёки татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, миллий ҳамда Ўзбекистон республикасига хос бўлган хусусиятлар, шароитлар инобатга олинган ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизимининг янги модели ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизимлари яхлит маърифий-тарбиявий, ижтимоий-маънавий иерархиясининг узвий муштараклигидан ташкил топган.

Бозор иқтисодиёти шароитида таълим тизимининг самарадорлиги унинг рақобатбардош бўлиши жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, улар ичида бошқарув функциялари алоҳида аҳамият касб этади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Республикамизда таълим тизимини инновацион бошқариш олдидаги вазифалар қуйидагилардан иборат:

- таълим тизимидаги ислоҳатларни таълим тўғрисидаги ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги қонунларда белгиланган вазифалар асосида бажариш учун малакали кадрларни тайёрлаш;
- таълим тизимини инновацион бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш;
- таълим соҳаси бошқарув тузилмаси ва бошқарув бўғинларидаги инновацион менежмент функцияларини ўрганиш;
- жаҳон олий таълими тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг илғор усулларини инновацион бошқарув тизимига жорий этиш ва таълим тизимини рақобатбардошлигини таъминлаш;
- олий таълим тизими юқори ва ўрта бўғин кадрларини меҳнат бозорида

рақобатбардошлигини таъминлаш ва талабга эга бўлишини мувофиқлаштириш;

- таълим тизими сифатини ҳалқаро стандартларга мос келишини белгилайдиган меъзонларини таҳлил қилиш ва улар асосида Давлат таълим стандартларини замонавийлаштириш;

- таълим менежментини такомиллаштириш асосида кадрлар мобиллиги ва рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган инновацион вазифаларни изчил амалга ошириш.

ОТМда ҳар қандай янгилик киритишнинг асосий мақсади таълим сифатини яхшилаш деб таъкидлашимиз мумкин. Замонавий таълим муҳити анъанавий ва инновацион турдаги педагогик жараёнлардан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда, таълим хизматларида инновацияларнинг ривожланишини қуйидаги беш босқичга ажратишимиз мумкин:

- таълим хизматларини тақдим этишда маълум турдаги инновацияларни қўллаш ташаббуси ёки янгиликларни қўллаш зарурати юзага чиқади. Бунда ОТМ раҳбарияти ёки жамият таълим хизматларини янги турларига эҳтиёж сезганда, ташкилотни истиқболли режалари тузилганда ёки модернизация қилиш дастури асосида 1-босқич юзага келади.
- иккинчи босқич назарий бўлиб, у кўпинча педагогик-психологик таҳлил асосида инновацияларни ўзлаштириш ёки асослаш асосида боради. Ушбу босқич энг қийин ва маъсулиятли бўлиб, айнан шу босқичда инновацияларни қўллаш ёки қўлламаслик масаласи ҳал бўлади. Шу билан бирга бу босқич қўллаш режалаштирилаётган инновацияларни ахборот таъминотини таъминлаб беради. Айнан шу босқичдаги муҳим қарорлар педагогик фаолиятга инновацияларни қўллашнинг муваффаққиятини таъминлаб беради.
- учинчи босқич ташкилий–амалий босқич бўлиб, унда олий таълимда инновацияларни қўллаш учун керакли ташкилий ва амалий муҳитни шакллантириш ва янгиликни қўллаш имконини беради. Бунда ташкилий ишлардан кўпинча тажриба гурухлари, лаборатория ва экспериментал хоналар, керакли асбоб–ускуналар, ўқув жиҳозлари ва техника воситалари билан таъминланади.
- тўртинчи босқич таҳлилий босқич бўлиб, унда қўлланилаётган ёки тажриба қилинаётган инновацион лойиха ва модель таҳлил қилинади ҳамда дастлабки натижалар олинади. Ушбу босқичда инновацион жараён қандай амалга ошаётгани, уни қайси даражада – бир фан даражасида, йўналиш ёки бутун бир ОТМ ўқув жараёнида қўллаш ишлари аниқланади.
- бешинчи босқич татбиқ этиш босқичи бўлиб, бу балки тажрибавий бўлиши, сўнг дастлабки натижалардан сўнг тўлиқ амалга оширилиши мумкин.

Ушбу босқичлар инновациялар самарадорлигини ва ютуғини белгилаб беради ҳамда қуйидаги учта омилларга боғлиқ бўлади:

- инновацион технологиялар қўллаётган таълим муассасасининг моддий-техник базаси ҳолатига;

- раҳбарлар ва педагогларнинг квалификацияси, уларнинг инновацион мойиллиги, янгиликларга бўлган муносабати ва ижодий фаоллигига;

- таълим муассасаси жамоасини маънавий ва ахлоқий муҳитига.

Инновация учун асос бўлиб хизмат қилувчи фундаментал ғоя ва билимларни амалда қўллаш:

- истиқболи бўлмайдиган лойиҳаларни аниқлаб олиш ва тўғри қарор қабул қилишга;
- инновацион ғояни амалиётга татбиқ этиш жараёнини янада такомиллаштиришга;
- янгиликни технологик хусусиятларига, бошқарув ва ташкилий фаолият юритиш учун масъул бўлган тизимларнинг тавсифига мослаштиришга имкон беради.

Инновацион салоҳиятнинг молиявий ресурслари оқилона бошқаришнинг асосий вазифаларига:

- инновацияларни жорий этиш учун талаб этиладиган молиявий ресурсларнинг келиб тушишини таъминлаш;
- молиявий ресурсларнинг инновацион жараёнларга мос ҳолда таъминланиш шароитини яратиш;
- инновацион жараёнларнинг амалга оширилишини такомиллаштириш;
- инновацияларнинг яратилиши учун шарт-шароит яратиб бериш ва рағбатлантириш;
- мавжуд инновацион тизимнинг функционал фаолияти ва ривожланиши
- билан боғлиқ турли хил эхтиёжларга мос келадиган инновацион
- лойихаларнинг яратилишига кўмаклашиш;
- инновацион лойихаларнинг харажатларини оптималлиги ва самарадорлигини таъминлаш вазифаларини киритишимиз мумкин.

Хулоса

Юқорида тадқиқ этилган хорижий ОТМларда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаларининг Ўзбекистон ОТМларига тадбиқ этиш мумкин бўлган ижобий ва салбий томонлари таҳлилига асосланган ҳолда, хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кундаги юқори рақобатбардош ва олий малакали мутахассисларни тайёрлаш сифати бундай олий таълим хизматини кўрсатишга тайёрлик даражаси билан боғлиқ булиб, бундай хизматларни кўрсатиш давомидаги ҳаракатлар профессор-ўқитувчилар учун меъёрий одатга айланиши, зарур ҳолда мана шундай фаолиятга тайёрлик ҳам бутун олий таълим тизимида айни пайтларда юзага келган тенденцияларни ҳисобга олиши, педагогик фаолиятни амалга оширувчи профессор-ўқитувчилар таркиби иш фаолиятининг назарий-методологик ва методик жиҳатларини, олий таълим мазмуни ва унинг мураккаблигини, педагогик фаолиятнинг жисмоний ва психик юкламасини, шунингдек, олий таълим хизматларини кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.В.Кларин. Инновационные модели обучения: Исследование мирового опыта. -М.: Луч, 2016г. – 632с.
2. Universities in Change: Managing Higher Education Institutions in the Age of Globalization (Innovation, Technology, and Knowledge Management) 2013thEdition
3. Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2019.
4. Nodira T. INNOVATION MANAGEMENT PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM //AMERICAN JOURNAL OF BUSINESS MANAGEMENT. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 110-
5. Tuychieva N. PROSPECTIVE OPPORTUNITIES IN INNOVATIVE

MANAGEMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS //MMIT Proceedings. – 2023. – T. 1. – №. 1. – C. 148-149.114.
6. Tuychieva N. THE ROLE OF DIGITALIZATION IN THE INNOVATIVE MANAGEMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS //MMIT Proceedings. – 2023. – T. 1. – №. 1. – C. 150-151.